

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ РАҚОБАТ
ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

503 Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
22 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1782-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш марказининг 2008 йил 23 февралдаги 299-В, 2008-05-сон қарори (рўйхат рақами 1782, 2008 йил

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й.

2 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 14-15-сон, 105 модда) билан тасдиқланган Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 22 август,
299-В-2-сон

**Қимматли қоғозлар бозорини
мувофиқлаштириш ва ривожлантириш
маркази бош директори**

Б. АТАХАНОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 22 август,
2015-12-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва
Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги
Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлашти-
риш ва ривожлантириш марказининг
2015 йил 22 августдаги 299-В-2 ва
2015-12-сон қарорига
ИЛОВА

**Банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция
воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва
инвестиция консултанти сифатида касбий фаолиятни
амалга оширишига оид талаблар тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги ПҚ-726-сонли «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвес-

тиция консултантани сифатида касбий фаолиятни амалга оширишига оид талабларни белгилаб беради.

Мазкур Низом давлат қимматли қоғозларига доир операцияларга татбиқ этилмайди.».

2. Ўзбек тилидаги матннинг 1, 6, 7, 14, 15, 16 ва 18-бандларидаги «бозори фаолиятини тартибга солувчи» деган сўзлар «бозорини тартибга солиш бўйича» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. Қўйидаги мазмундаги 3¹-банд билан тўлдирилсин:

«3¹. Банк томонидан қимматли қоғозлар бозорида инвестиция воситачиси сифатида касбий фаолиятни амалга оширишда банк ҳар бир миждознинг қимматли қоғозлари ва пул маблағлари ҳисобини юритиши, қимматли қоғозларга доир битимлар ва операцияларни миждоз билан тузилган шартномага мувофиқ амалга ошириши, тузилган битимлар ва амалга оширилган операциялар тўғрисида унга ҳисобот бериши шарт.

4. 9-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ишончли бошқарувдаги инвестиция активларининг ўртача йиллик қиймати миқдорини ҳисоблаш банк томонидан Бошқарувчи компаниялар ўз маблағлари миқдорининг ҳисоби ва инвестиция активларининг ўртача йиллик қийматини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 1322, 2004 йил 5 март) қоидаларига ўхшаш тартибда амалга оширилади.».

5. 10-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

6. Ўзбек тилидаги матннинг 11-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«11. Банклар қимматли қоғозларга доир биржадан ташқари битимларни рўйхатга олишда биржадан ташқари битимларнинг рўйхатини юритиш талабларига риоя қилишлари ҳамда рўйхатга олинган битимлар юзасидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот тақдим этишлари лозим.».

7. Ўзбек тилидаги матннинг 17-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«17. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига инвестиция воситачиси, инвестиция активларини бошқарувчи ва инвестиция консултантани сифатида фаолият юритувчи банк томонидан қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлиги ҳақида ахборот келиб тушганда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қонун ҳужжатларига мувофиқ чоралар кўришга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига чоралар кўриш учун маълумотлар юбориш ҳуқуқига эга».